

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 19 (5880).

27

ЯНВАРЬ
ПАЙШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «КПСС Томск область Комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда востанларига раҳбарлиги тўғрисидаги масалани қараб чиқди. КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда куйидагиларни таъкидлаб ўтди: Томск область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари матбуот телевидение ва радиодиффузия партия раҳбарлиги системасини такомиллаштириш, уларнинг партия XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Уртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитети ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сўбат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» ҳақидаги докладыда, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил Октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва ҳулосаларни пропаганда қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш соҳасидаги роли-

ни кучайтириш билан бирликда со-
ветларнинг оммавий ахборот ва пропаганда востан-
лари ўзининг беш йиллик ҳақиқат
хўжалиги ва ишчиликнинг
муваффақиятлари суратда
ва ошдириб бажариш учун,
Улуғ Октябрь социалистик ре-
волюциясининг 60 йиллигини
муносив қутиб олиш учун
социалистик мусобақани кенг
аж олдиришга ақтия ёрдам
бермоқда.
[Давоми 3-бетда].

ОКТАБРЬ БАЙРАМИГА—МЕХНАТ РЕКОРДЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА САНОАТ ВА ТРАНСПОРТ ИЛГОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТАБРЬ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ

КОРХОНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНING ВА УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРҚЛАРИНИ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика саноят ва транспорт корхоналари ишлаб чиқариш илгорларини Улуғ Октябрь социалистик революциянинг 60 йиллигини муносив қутиб олиш ва унинг беш йиллик топширқларини муддатидан илгари бажариш соҳасидаги ташаббуси тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг ик-

кинчи йили планларини бажаришга жонанон Коммунистик партиянинг XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишдаги юксак масъулият тўғриси билан ўз ролини чуқур тушуниб киришди, дейилади шу масала юза-сидан қабул қилган қарорда.

[Давоми 2-бетда].

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзоли-
гига кандидат, Ўзбекистон
Компартияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари
ўртоқ Ш. Р. Рашидов Бутун-
итифоқ социалистик мусоба-
қасида эришган муваффақият-
лари, пахта, дон, сабзавот ва
бошқа қишлоқ хўжалик махсу-
лотларини етиштириш ҳамда
давлатга сотишни қўлайтириш
юзасидан 1976 йилги план ва со-
циалистик мажбуриятларни ба-

жаришда кўрсатган шавкатли
меҳнати учун СССР Олий Со-
вети Президиумининг Фармо-
нига биноан мукофотланган
республика раҳбар ходимла-
рининг бир гуруҳисига СССР
Олий Совети Президиумининг
топширувига мувофиқ орден-
лар топширди.
Ўзбекистон ССР Министр-
лар Совети раисининг бирин-
чи ўринбосари Т. Н. Осетров-
га, республика Министрлар
Совети раисининг ўринбосари
С. Мамаரசуллова ва Тошкент

область партия комитетининг
иқкинчи секретари В. В. Окун-
скийга Ленин ордени, Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий
Комитетининг секретари О. У.
Салимова ва Ўзбекистон
Компартияси Марказий Коми-
тети ташкил-партиявий иш-
лар бўлимининг мудири Г. М.
Орловага Октябрь революция-
си ордени, Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети раисининг
ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева-
га ва Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг бў-

лим мудири Т. Г. Зининга,
В. И. Сускингга, П. Хаббулла-
евага Меҳнат Қизил Байроқ ор-
денлари топширилди.
Ўртоқ Ш. Р. Рашидов муко-
фотланганларни қизгин ва са-
лимий табриқлади, уларга си-
ҳат-саломатлик ва ишларида
янги катта муваффақиятлар
топилади.
Ўзбекистон ССР Олий Со-
вети Президиуми раисининг
ўринбосари А. С. Абдалини шу
ерда ўртоқ Ш. Р. Рашидовга
Ленин орденини топширди.

ЯХШИРОҚ ИШЛАЙЛИК, САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТНИ ОШИРАЙЛИК!

РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Бир беш йилликда икки шахсий беш йиллик
плани бажариш мажбуриятини олган ўн нафар
донгдор меҳнаткашнинг даъватига Ўзбекистонда-
ги энг яхши ишчилардан 32.000 киши қўшилди.
Нормани мунтазам равишда ошириб бажариш
учун бошланган оммавий ҳаракат туфайли бутун
республика саноят беш йилликнинг биринчи йили
программасини анча илдам бажарди, десак мубо-
лага бўлмайди. «Партиянинг кенг меҳнаткашлар
оммаси... йқодий ташаббускорлигини ҳар томон-
лама ривожлантириш йўли — тўғри йўл, — деди
ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети
1976 йил октябрь Пленумида нутқида. — Зотан
биз бу йўл бераётган самарали натижаларни реал
сезиб турибмиз».

Бутун совет халқи Улуғ Октябрнинг 60 йилли-
гини муносив қутиб олиш учун социалистик мусоба-
қани кенг аж олдиришга ҳозирги пайтда шу сўз-
ларни исботловчи янги яққол воқеалар ҳаётда кун
сайин содир бўлиб турибди. 26 январь кун Ўзбе-
кистон Компартияси Марказий Комитетининг бю-
роси республика саноят илгорларининг ахборотини
тинглади. Улар умумхалқ байрами шарафига
олинган оширилган социалистик мажбуриятлар
тўғрисида гапириб бердилар. Сўз—ишчиларга:



Самигжон ОБИДЖОНОВ, Наманган машинасозлик заводининг штамповачиси:

— Утган беш йилликда икки беш йиллик топширқини бажариб, бу ҳам чегара эмаслигини пайқадим. Ҳар бир ишчи, шу жумладан мен ҳам иш вақтидан янада унумлироқ фойдаланишга, юксак марраларни эгаллашга ўртоқларга ёрдам беришга қодирмиз. Мен меҳнат қилаётган темирчилик — пресс участкасининг коллектив Октябрнинг 60 йиллиги кунингача икки йиллик планини бажаришга сўз берди. Шахсан ўзим шойли айёмгача тўрт йиллик топширқини бажаришга ва беш йилликнинг дастлабки икки йили мобайнида 8085 норма-соат ишлаб беришга ваъда қиламан. Махсулотнинг ҳаммасини биринчи бор тақдим этишдаёқ топширишга сўз бераман. Еш ишчиларни тайёрлашда аввалгидек актив қатнашараман.



Гулчехра БЕКБУЛАТОВА, Гулистон тўқувчилик фабрикасининг тикучиси—мотористи:

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутунитифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қароридан халққа зарур моллар ишлаб чиқаришни янада қўлайтириш, шу молларнинг сифатини ошириш учун меҳнат беллашувини кучайтиришга даъват қилинган. Партия бу вазифани совет халқи олдида турган энг асосий вазифаларнинг бири деб атади. Мана шунинг ўзини совет кишилари фаровонлигини ошириш тўғрисидаги чин ғамхўрлик деса бўлади! Меннинг шахсий ҳиссам: Октябр байрамигача беш йиллик бошлангандан бери тўрт йиллик топширқини бажараман. Фақат аёло сифатли махсулот ишлаб чиқараман. Хўнартехника билди юртинги битириб чиққан 24 беш ишчига меҳнатнинг илгор усулларини ўргатишга ваъда бераман.



Галина Степановна ВОЛНА, Фаргона химиявий тола заводининг ип ўрвочиси:

— 1976 йилда бир ярим йиллик плани бажариш юзасидан ўзим олган социалистик мажбуриятини ошириб адо этдим: меҳнат унумдорлигини икки қисса оширишга муяссар бўлдим. Ишчи янада такомиллаштириш имконини берадиган тажриба орттирдик. Бутунитифоқ конкурсларида галиб чиққан шу тармоқнинг энг яхши меҳнатчилари мажбуриятини ўргатиш туфайли ўрлиб бўлган махсулотни дастгоҳдан чиқариб олиш, машинана хом ашё жойлаш, узилган ипни улаш сингари барча асосий операцияларда вақт сарфини камайтиришга эришдим. Энди мен тўрт йиллик топширқини шу йилнинг 7 ноябрида тугалланади, деб ваъда бера оламан. Шу билан бирга биринчи сорт махсулот олиш 88 процентдан 91 процентга етказилди. Беш йиллик мобайнида 10 нафар ёш ишчи тайёрлашга ҳам сўз бераман.



Василий Яковлевич ГАВРИЛОВ, Жиззахдаги 2517-автомобилна шофёри:

— Социалистик революция-
миз байрамни янги муваффа-
қиятлар билан нишонлашни ўз
ватанпарварлик бурчим деб
билдим. Унинг беш йиллик
топширқини муддатидан илгари,
7 ноябргача бажариб, ўз
«ЗИЛ» машинада камид 109
минг тонна юк ташигиша сўз
бераман. Сўнгра, беш йиллик
охиригача яна икки ярим йил-
лик нормани бажараман. Айни
вақтда 2,5 минг литр ёнглик,
8 комплект шина ва бир ярим
минг сўмлик запас қисм те-
жаб қолтиришга ваъда қиламан.
Мен бу маррани бемалол
эгаллай оламан: машинадан
фойдаланиш коэффициентини
қўлайтириш ҳисобига бу мақ-
садга эришмоқчиман. Машина-
нинг юк орттириш вақтида
тежаб бекор туришини 20 про-
цент қисқартириш, автомобил-
нинг доимо прицеп билан ҳай-
даш, шу тарика унинг юк ор-
тиш қувватини ошириш нияти-
даман.



Любовь Сергеевна ГЕРАСИМОВА, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигувчиси:

— Ўртоқ Л. И. Брежневнинг
мамлакат энгил санаот илгор-
ларида мактуби матбуотда
эълон қилинганда КПСС Мар-
казий Комитети Бош секретари
рининг даъватига жавобан иш-
лаб чиқариш самарадорлигини
янада кўпроқ оширишга, ўз
иш жойидама қўшимча резерв-
ларни қидириб топшишга қўйган
оламан. Бутун шунга айта ола-
манки, бундай резервлар то-
пилиди. Комбинатнинг энг яхши
меҳнатчилари билан мусоба-
қада ортирилган зарбдор иш-
лаш тажрибаси нормадаги 1160
ўрнига 2400 урқуқда ишлаш
имконини берди. Шу ҳисобга
ва иш усулларини такомил-
лаштириш ҳисобига Октябр
байрамигача тўрт йилу икки
ойлик топширқини, беш йил-
лик мобайнида эса 125 йил-
лик нормани бажаришга ваъ-
да қиламан.




Николай Фирсович ГОЛОВ, Андижондаги «Электродигиталь» заводининг прессчиси:

— Узимга топширилган ус-
куна ҳеч қачон бекор турмас-
лиги, эғаетоқалар доимо ўз
жойида бўлиши ва ишда узил-
лишга йўл қўйилмай, бир мо-
розда меҳнат қилиниши мум-
кидир. Мен шунга эришиб,
ўтган йилнинг 3 ноябридаёқ
беш йилликнинг икки йили
нормасини бажариб қўйган
оламан. Энди янги мажбурият
тўрт йиллик плани бажара-
ман. Жами махсулотни фақат
аёло сифат билан топшира-
ман. Айни вақтда ҳали ҳам йўл
қўйилган оз процент браки-
ни мутолақо тугатишга ва шу
йўл билан қўл микдорда
электр энергияни тежаб қо-
лишга, йил охиригача икки
рационализаторлик таклифи
беришга ваъда қиламан. Еш
ишчиларни тарбиялашда актив
қатнашаман.



Валентина Григорьевна ДУРОВА, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг пилла тортувчиси:

— Агар бултур 31 декабрь
кунини ўзининг беш йилликнинг
икки йили топширқини тугал-
лаган бўлсам бу йил икки
йиллик нормани 7 ноябргача
бажаришга ваъда бераман.
Нормадан ортиқча станок иш-
латиш ва вақтини тежаб тажри-
баси бунга ёрдам беради:
энди бултургидек қўш тизим-
лиқни ўзлаштиришга ҳожат
йўқ.
Меннинг шахсий мажбурият-
тигда биринчи сорт хом ипак
чиқаришни нормада белгилан-
гандан 20 процент қўлайти-
риш, 15 килограмм пиллани
тежаб қолтириш сингари бандлар
ҳам бор. Мураббий сифатида
мен йил мобайнида беш иш-
чининг малакасини доимо
ошириб бориш ва уларга
пилла тортиш касбини ўргатиш
қийнатмаман. Фабрикамаздаги
енг яхши меҳнатчилардан би-
ри — Анна Семеновна Мель-
никни социалистик мусобақа-
га чақираман.



Кубонак ИСМОИЛОВ, Қоракўлгоштин «Рибанко» ҳазоносинга қарашли «Амурдёр» колхозини 167-мотофелюгасининг капитани:

— Фелюгасини бутун экипажи
— Бекназар Алланазаров,
Жанобой Икромов, Султон
Бекмуродов номидан ва шах-
сан ўз номидан Октябрнинг
60 йиллигига уч ярим йил-
лик норма микдорда балиқ
овлашга ваъда қиламан. Беш
йиллик охиригача эса балиқ
заводида 1840 центнер, яъни
ўн йиллик норма микдорда
балиқ топширамиз.
Денгиз омикорларга бўйсун-
нади, деган гап бор. Демак,
биз ваъдамаизга вафо қилиш
учун мажбуриятимизни ошириши-
ми керак бўлади. Ов вақтини
белгиланган нормадан оши-
ришга, барча ов куролларидан
тўла фойдаланишга ва уларни
намунали сақлашга, ов курол-
ларининг ишдан чиқшини ка-
майтиришга, шу йўл билан ҳам
вақтини тежашга сўз берамиз.
Беш йиллик мобайнида овлан-
ган балиқ сортини анча оши-
риш мажбуриятини оламиз.



Назирлла МАННОПОВ, Тошкент авиация ишлаб чиқариш биришласининг йиғувчи слесари:

— Октябр байрамини меҳ-
нат соғаси билан нишонлашни
ҳар бир самолётсоз ўз бурчи
деб ҳисоблайди, десам хато
бўлмайди. Меннинг соғам шун-
дай бўлади: 7 ноябргача тўрт
йиллик топширқини бажара-
ман. Мен самолёт илдирагини
ийгиш билан шуғулланаман.
Бу—алоқидан масъулиятни
узел эканлигини назарда ту-
тиб, бу йил унга завод Сифат
белгиси берилишига эришиш
ниятдаман. Айни вақтда ма-
шина ясашга бўладиган меҳнат
сарфини яна 20 соат миқ-
дорда қисқартиришга ҳис-
са қўшаман, иккинчи рациона-
лизаторлик таклифи бераман,
бизлар орасидан икки ишчи
тайёрлайман.
Касбдошим тоқарь Шокир
Исмаиловни мусобақага чақира-
ман.



Флора Самигулиевна МИРЗАХОНОВА, Самарқанд шойи тўқуш фабрикасининг тўқувчиси:

— Халқ фаровонлигини оши-
риш вазифасини бевосита ҳал
этидиган бизнинг совет тар-
моғимизни ривожлантириш
тўғрисида партия ва ҳукумат,
шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежнев
жузда катта ғамхўрлик қилаёт-
ганлиги зарбдор меҳнатга
руҳлантирмоқда. Мен шахсий
мажбуриятимни қайта кўриб
чиқдим: бир беш йилликда
икки беш йилликни эмас, балки
еттинчи ноябргача тўрт
йиллик планини бажаришга сўз
бераман. Пландан ташқари 39
минг метр олий наф шойни газ-
лама бераман. Бизнинг кол-
лективимиз ишлардан иборат
эканлигини ҳисобга олиб, ун
нафар қизга тўқувчилик касби-
ни ўргатиш мажбуриятини ола-
ман. Уларнинг ҳаммаси ҳам
ҳозирча меннинг даррамама
етиши ва тўртта ўрнига са-
қизта станокда ишлаш қийин
бўлса ҳам, аммо улар меҳнат
унумдорлигини ошириш тажри-
басини ўргана оладилар.



Зоя Ивановна ПОБЕДИНСКАЯ, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидалий металллар комбинатининг ишчиси:

— Бизнинг гоат ингичка
вольфрам сими ишлаб чиққа-
ришдек нозик ишимизда энг
яхши иш режимини танаб
олишининг аҳамияти катта. Мен
Октябрнинг 60 йиллиги шара-
фига оширилган мажбурият
олиб, қўл станокли техникада
ишлаш шaroитида ана шундай
режимга риоа қилиш режаси-
ни тузиб қўйдим. 7 ноябрь
кунингача тўрт йиллик нормани
бажаришга сўз бераман. Жами
махсулотни биринчи бор тақ-
дим этишдаёқ топширишга
эришаман. Тежаб қоллинган ме-
таллдан 1,8 миллион метр сими
тайёрлайман, олмос фильер
пишқилгини 30 процент оши-
раман ва 8000 киловатт-соат
энергияни тежаб қоламан. Еш-
лардан уч ишчи тайёрлашга
ҳам ваъда бераман.



Умринис ТУРОБОВА, Тошкентдаги «Минод» заводининг олғасқа сақлач берувчиси:

— «Унлар ташаббусини
қўллаб-қувватлаб, ўзини беш
йилликда икки беш йиллик
топширқини бажаришга ваъда
берган эдим, энди октябрнинг
60 йиллиги шарафига янги
мажбурият оламан: улуг айём-
гача тўрт йиллик нормани ба-
жараман. Меҳнат унумдорли-
гини ошириш беш йиллик топ-
ширқини 1978 йилнинг июлига
камайтириб, асбоб-ускуна-
ларнинг имкониятларидан тў-
ла-тўқим фойдаланиб, шунга
эришишни ўйлаб турибман.
Айни вақтда беш кишига
ўз касбини ўргатиш, чечки
марксизм-ленинизм универси-
тетини тугаллаш ниятидаман.



Хусан Шермухамедович ТУЛАГАНОВ, Тошкент «Шарк» мебель ишлаб чиқариш биришласининг йиғувчи дурадгорчи:

— Мен бошчилик қилаётган
бригада графикдан ўзиб меҳ-
нат қилмоқда. Биз эрта йиғиш-
да аёло сифатга эриша олдик.
Йил бошиданюк юксак суръат
билан ишлаётганлигимиз бугун
менга ўзини беш йилликнинг
тўрт йили топширқини Октя-
брь революциясининг 60
йиллиги кунингача бажарамиз,
деб мажбурият олишмига им-
кон беради.
Сифатни асло эсдан чиқар-
маймиз: ҳамма иш жойларида
шахсий тамага билан махсулот
чиқариш учун жами асбоб-ус-
куналарни июль ойиғача шай
қилиб қўямиз. Донгдор тўқу-
чи А. С. Верзилинадан ибрат
олиб, икки шогирдимин ишчи
резаряди олишга тайёрламоқчи-
ман. Юбилей йилда йилгача
хамиде икки минг сўм иқти-
содий самара берадиган учта
рационализаторлик таклифи
топшириш мўлжалим ҳам бор.



Мухтасар Одиловна ХАМДАМОВА, Марғилон ипак комбинатининг пилла тортувчиси:

— Мен комбинатда ишлаш
бошлаганимга атиги икки йил
бўлди, аммо шундай йилга
ҳам нормада белгилангандан
икки баравар кўп дастгоҳда
ишлашаман. Мураббийларим—
Ольга Болтабоева сингари иш-
лаб чиқариш илгорлари менга
шунинг ўргатишди. Энди ўз ус-
туларимнинг юзини арта қа-
ратмасликка, дугонларим —
ўзим бошчилик қилаётган ком-
сомол-ешлар бригадасининг
аъзоларига намуна кўрсатишга
сўз бераман. Бултур мен нор-
мадаги 886 килограмм ўрнига
1943 килограмм хом ипак иш-
лаб чиқардим. Бу йил эришил-
ган натижадан ўзиб кетиб, беш
йилликнинг тўрт йили топши-
рқларини 7 ноябргача тугал-
лаш мажбуриятини оламан.
Чунки ҳали резервларнинг
ҳаммаси ҳам ишга солинган
йўқ—асосий иш усулларини ба-
жариш вақтини тагин ҳам қис-
қартириш, бекор туришни ту-
гатиш, янада бир маромда
меҳнат қилиш мумкин.

Ана шу оширилган мажбуриятларнинг ҳаммаси совет халқининг энг буюк байрами—Социалистик революциянинг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган. Бу революция дунёда биринчи марта ҳар бир софий меҳнатчининг ташаббуси, куч ғайратига мислсиз кенг имконият очиб берди. Мазкур мажбуриятлар озод меҳнат, коммунистик меҳнат, бутун жамят бераётган миллион-миллион кишиларнинг ғайрат-шижоати туфайли ўз қудратини оширмоқда. «...Ҳар бир коммунист ҳар бир партия ташкилоти ҳақиқатан ҳам амалий ва фойдалан ташаббусларини ҳар томонлама рағбатлантириши ва оммалаштириши керак, — деб ўқитди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев. Шу кунларда янги-янги ишчиларнинг отрядлари ишлаб чиқариш илгорлари сафига қўшилмоқда. Улар оширилган мажбуриятлар ҳабуе этиб, зарбдор меҳнат қилиб, Октябрга салют беришмоқдалар.

Область хотин-қизларининг конференциясига

КОММУНИЗМНИНГ

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР ХОТИН-ҚИЗЛАРИ



Суратларда: Чиноз районидан Киров номи колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова [чапдан], Оржоникидзе районидан «Красный водопад» экспериментал базиси сўт соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная, Бука районидан «Бука» совхози пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Кезалева, Янгиқул районидан Свердлов номи совхоз бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати Назира Йўлдошева, Урта Чирчиқ районидан Энгельс номи колхоз бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати Ортиқ Шералиева, Урта Чирчиқ районидан Терешкова номи колхоз раиси Урнисна Ҳасанова, Ўзбекистон иссиқча чидмали ва қаттиқ қотишмалли металлор комбинати аппаратчиси, КПСС XXV съезди делегати Турди Холдоров, Тошкент районидан «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз сўт соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Минаваар Исоқова.

НОЗИК ДИД БИЛАН

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган турли хил кийим-кечалар тобора харидорлар эътиборини қозонмоқда. Бу бизнинг коллектив учун ниҳоятда қувонарлиқдир. Маълум пештахталарида пешма-пеш сотилиб турган, ўзлари тиккан кийим-кечаларини кўрган ҳар бир чеvarнинг қувончини ҳис этиш қийин эмас... Бирлашмада жами 2,5 мингта яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилди. Улардан 2226 киши хотин-қизлардир. Қўриқиб турилган, ишлаб чиқаришнинг асосий қисмининг аёллар ташкили этиди. Варча цех ва участкалар, бригадаларда аёлларнинг самарали ва сифатли меҳнати қилишлари учун барча шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилинмоқда. Хозирга келиб бу борада маълум муваффақиятлар қўлга киртилди. Югорида айланмишдек, кейинги пайларда маҳсулотларимиз харидорлар бўлиб, савдо ташкилотларида узоқ туриб қолмайпти. Жумладан, бир неча хил ассортиментдаги аёллар пўстинлари, Бельгия материалдан тикилаётган пальтолар ва аркалар пальтоларига охтиёб тобора ортиб бормоқда. Биз мана шу охтиёбларни тўлароқ қондириш учун барча имкониятларини ишга солаётимиз. Маҳсулотларимиз сифатининг ошишида ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил қилган хотин-қизларнинг ҳиссаси катта алоҳида. Шунингдек 1974 йилда ташкил этилган Сифатни бошқариш бўлими корхона фаолиятида кескин бурилиш ясади, де-йиш мумкин. Бу бўлимининг очилган олдин катта таёрларик ишлари олиб борилди. Хусусан, Иттифоқимиз ва чет эл илгор тикув корхоналаридаги илгор иш усуллари, прогрессив технологияни ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Инженер-техниклар, новатор ишчилар турдош корхоналарда иккидунли командировкада бўлиб, ана шу илгор усуллари ўрганиб қайтишга ва ўзимизда жорий этишди. Жумладан, «ВЛКСМ 40 йиллиги» номи Тирасполь тикув фабрикасидаги Сифатни бошқариш системаси мутахассислари мизда катта қизиқиш уйғотди. Горный шахридаги «Маяк» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг сифатни бошқариш бўлимида ортирган тажрибалари ҳам

СЎЗ-КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ТҮЙГА ТҮЁНА

БАХТИ кўлган аёлларимиз коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида актив фаолият кўрсатмоқдалар. Улар ўзининг беш йилликнинг дастлабки йилларида районимиз меҳнатқиллари эришган катта муваффақиятларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб берди. Бугун очилган «Ўзбекистон хотин-қизлари конференцияси» делегатлари орасида районимиздан келган ишчиларни, меҳнаткорларни, қурувчиларни, маданият ходимларини кўрсатиш. Улар кўсини кўша-қўша эрдан ва медаллар беъаб тўрибди. Улар ўз бахтини ҳаётларидан манунлар. Бу бахтини бизга Улуғ-Октябрь ҳада этди. Шунинг учун ҳам Октябрьнинг шонли 60 йиллигини меҳнатда, иктимоний ҳаётида янгидаги эриш зафарлар билан кутиб олиш учун ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ меҳнат қилмоқдамиз.

ҚўЛЛАРИ ГУЛ, ЙўЛЛАРИ ГУЛ

МЕН дастлаб шу трестга одадий қурувчи бўлиб ишга кирдим. Ғишт терувчи касбини эгалладим. Сунгра мастер бўлдим. Шубҳасиз, бу орада ўз билимим, малакамим ошириб бордим. Кечки ишчи-ёшлар мактабининг биткири олдим. Сунгра шахримиздаги қурилиш техникумига кириб ўқидим. Мана энди дипломли мутахассислар орасидан ўрин олдим. Шахримизда, трестимизда мен каби ўз бахтини меҳнатдан топганлар жуда кўп. Мана ҳозир шахримиз бўйича 800 кишидан ортқ хотин-қиз «Коммунистик меҳнат зарбоз» деган юксак номи шараф билан оқлаб келмоқда. «Ангреник» разрезининг маинистри Замира Исроилова, керамика комбинатининг ишчиси Бувиниса Минкулова, «Среднеуголья» комбинатининг тепловоз маинистри Галина Клейменова, ГРЭС турбогенератор маинистри Анна Лергобудова каби аёлларнинг номи, ин шахримизда каттадан-кичик

Ё Р У Ё Ю Л Д У З

ДЕЛЕГАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ПАРТБЮРО секретариининг хонаси бир зумда ишчилар билан тўлиб кетди. Яхши гапнинг қаноти бўлади, деганларини шу эканда. Орзихоннинг бир йилда икки йиллик топириқини бажарганлиги ҳақидаги гап тезгина ишчиларнинг қўлига бориб етди. Дугоналар шундан кейин дарров Орзихонни кўтлаш учун бу томонга олинишди. Орзихон мақтаба ўқиб турган кезларидаёқ фабрикага ишчи тушган эди. Унда дамларда ў опаси Тоихоннинг олдига тез-тез келиб турарди. Тоихон фабриканинг чакқон ишчиси эди. Синглиси келганда қўпична цехлари бир-бир айлантириб чиқарди, ўзи ва дугоналари бажарётган ишлар билан таништирарди. Орзихон етуқлик аттестатини олди-ю, ана тўғри опасининг олдига келди. Сиз билан бирга ишлаймиз, деб туриб олди.

Иллар ўтиши билан Орзихон шувчални донгдор ишчи бўлиб етишди, деб ҳеч ким ушанда ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Синглидек қозилган, кимсуқимти-на қизча эди у. Лекин тиришқонлиги, ишчанлиги ва зийраклиги ҳама тани берарди. Мастер Эмилья Иванованинг айтган сўзларини битта қўймай у қулониға қўйиб олди. Ишга тушганига бир ҳафта бўлмади материалларни қуритишни, ундан кейинроқ далолаш ва прессини ўрганиб олди. Бир-икки ой ўтмай мустақил ишлашга кўчди. Кейин уни олтинчи цехга ўтказишди.

Ушанга ҳам ҳозир 20 йил бўлибди. Эндиликда пинетна тилишида унинг олдиға тушадигани йўқ. Ҳам тез, ҳам сифатли ишлайди. Фабрикада билишчи бўлиб, у иллар ташаббусида қўшилди. Ёр беш йилликда икки беш йилликни бажаришга сўз берди. Ваъдала вафо қилди деб ана ишга сўр берди... Орзихонни табриқланглар,— деди партбюро секретари Ирина Викторова Пименова ишчиларга.— Бир йилда икки йиллик топириқини бажариб қўйди. Январ ойи планини ҳам 15 кунга қолдирмай адо этди. Табриқлайман дугонажон.— Орзихонни маҳкам бағрига босди Мукаррам Еникеева.— Сиз билан мусобақалашиб қўп нарсани ўргандим. Ҳозир мен ҳам графикадан ўзиб ишлаймай. Евдокия Куприяненко эса сиз билан илза-из бораётининг ёрғун юлдўзларисиз.— Ирина Викторова Орзихон билан мўқаррамининг елкасига қўларини қўйди.— Юлдуздек ёрғун нур сочиб коллектив йўлини ёритаверинглар.— Жуда ҳам мақтаб оқирдингиз-ку.— Орзихон секретарига қаради.— Ахир қолонларисиз ишлашга сўз берганимиздан кейин илгорлар сафидан жой олиш ҳам қарар, ҳам фарзада.

Қолонларисиз ишлаш ташаббусини Орзихоннинг ўзи бошлаб берган эди. Ушанда партиязининг XXV съезди ўз ишнини андиғина тамомлаган кезлар эди. Орзихон ўйлаб-ўйлаб охири шў фикрда тўхтади. Ишчилар бир-бирларига қўмақлашса корхонада қолонлар қолмайди. У ўзидан қиёс қилди. Ҳар кун ишга ярим соатча барвақт келиб, иш жойини тартибга келтирди. Бичилган бичиларни тўғрилаб конвейерни ишга туширди. Шундан сўнг мотористларнинг ишига кузатди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Леонид Ильич Брежневнинг Тула шахрига «Олтин Юлдуз» медали топириқига бағишланган тантанали мажлисида айтган: «... йил бошланган пайтданқо, шу январь кунларидан бошлаб боқ шохар ва қишлоқдаги барча меҳнат коллективлари бир мардорлик, тўла самардорлик билан ишлаши жуда муҳим, беиқоша муҳимдир» — деган сўзлари республикада коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги зафарларга қорловчи даяват деб кутиб олинди. Меҳнат коллективлари Улуғ Октябрьнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани кенг қулоч ёйдириб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самардорлигини ва иш сифатини ошириш, ўзининг беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажариш учун. Бу туништироқ социалистик мусобақани ўтказиш тўғрисидаги қарорға жавобан ўз кучлари, билимлари, иқодий изланишларини йиллик ва беш йиллик панларини бажариш учун бошланган қурашнинг ҳал қилувчи участкаларига қаратмоқдалар ва янги юксак марраларни белгиламоқдалар. Ҳозирги вақтда республика ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларидан 32 минг киши бу қимматли ташаббусни қўйлаб-қуватлаб, ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Ун нафар ишлаб чиқариш илгорининг ташаббусини давом эттирётган Наманган машинасозлик заводининг штамповкачиси С. Обиджонов, Гулистондаги «Ўзбекистон комсомол» 50 йиллиги тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи Г. Бекбулатова, Фарғонадаги «СССР 50 йиллиги химиявий тола заводининг ил ўрвочиси Г. С. Волна, Жиззахдаги 2517-автомобил шофёри Я. В. Гаврилов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ил йигирувчиси Л. С. Герасимова, Андижон «Электродизагиталь» заводининг прессчиси Н. Ф. Голев, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг пилла тортувчиси В. Г. Дурова, Қоракўлпоғистон «Рибкоолхозсоюз»га қарашли «Амударё» колхозининг балкичиси К. Исмоилов, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигувчи-слесари Н. Маннопов, Самарқанддаги 26 Бокун коммисари-номии шойи тўқич фабрикасининг тўқувчиси Ф. С. Мирзахонова, Ўзбекистон қийин эрийданган ва ўтга чидамли металлор комбинатининг ишчиси З. И. Побединская, Тошкентдаги «Миконда» заводининг оловсига сайқал берувчиси У. Т. Тошмухамедова, Тошкент «Шарк» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар бригадари Ж. Ш. Тўлганова, Марғилон шойи комбинатининг пилла тортувчиси М. А. Хамдамова ўртоқлар 1976 йилда икки йиллик планини бажардилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кунинга ҳа у ярим-тўрт йиллик топириқини бажариб, шу тариқа ўзининг беш йилликда икки беш йиллик план бажарилишини таъминлаш юзасидан янги қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар. Юксак бурчи ва ишчи шарафи туйғуси, фидокорона иқодий ишлаш, юксак натижаларга эришиш учун резервларини доимо қидириш — улар муваффақиятли меҳнатининг гаровидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уч ярим-тўрт йиллик топириқларини Улуғ Октябрьнинг 60 йиллиги кунинга бажариш ва ўзининг беш йилликда икки беш йиллик планини тугаллаш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилган С. Обиджонов, Г. Бекбулатова, Г. С. Волна, В. Я. Гаврилов, Л. С. Герасимова, Н. Ф. Голев, В. Г. Дурова, К. Исмоилов, Н. Маннопов, Ф. С. Мирзахонова, З. И. Побединская, У. Т. Тошмухамедова, Ж. Ш. Тўлганова, М. А. Хамдамова ўртоқларнинг ташаббусини маъқуладди. Область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистон қасаба союзулари республика совети, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети, республика министрликлари, идоралари бу қимматли ташаббусни кенг омаллаштиришлари, ташкилотчилик ва қозғай-сиёсий ишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, 1977 йил топириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама авж олдиришга қаратишлари лозим. Социалистик мусобақа умумхалқ тусини олсин, мусобақани ташкил этиш текоммлаштирилсин, унинг юксак натижаларини эришилсин. Республика газеталари, журналлари, радио ва телевидение редакцияларига ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари ташаббусининг мақсад ва мазмунини чуқур тушунириб бериш, уларнинг иш тажрибасини батафсил кўрсатиш, социалистик мусобақанинг бориши ва натижаларини мунтазам ёритиш топириқидир.

Ж. НОСИРОВ, Янгиқул шахри.

БОЛГАРИЯ ТААССУРОТЛАРИ

ХАСКОВО БЎЙЛАВ

Беловч Ватанимизда




Москвадаги Каширский шосседа қад қўтарган 17 қаватли кўчма йилда дастлабки беморларни қабул қилди. 1200 ўринли бу шифохона медицинанинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Суратда шифохонанинг умумий кўрinishи.

В. Солинов фотоси.



Хабаровск кемаасозлик заводи инженер-техник ходимлари ва ишчи-хизматчилари «Ишчилар ташаббусига инженерлик кўмаги» ташаббуси билан меҳнат қилиб келмоқдалар. Бундан В. Сайко ташаббусидан сўнг Ю. Баранов ўз дисертациясини ёқлади. Унинг тақлифига кўра ишлаб чиқаришда қўлланилаётган прогрессив технология ҳисобига ишлаб чиқариш саломати 22,5 процентга, йиллик иқтисодий фойда эса 33 миң сўмга ошди. Суратда: (чапдан) В. Сайко, В. Трудов ва Ю. Баранов. А. Шляхов фотоси.



Ригадаги «Радиотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили юзлаб юкори классли радиоприймник ва электрофонлар ишлаб чиқарди. Юбилей йилда коллектив пиландан ташқари 2 миң радиоприймник ва 500 электрофонлар ишлаб чиқаришга азму қарор қилган. Суратда: транзистор радиоприймниклар ҳеҳида.

ТАСС фотохроникаси.

ХОЖАТБАРОРЛАР

«Хурматли ўртоқ П. Н. Казанов! Сизга ва коллективингизга йўқолган буюмларингизни топишда ердан берганингиз учун чин дилдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Фарғоналик М. Шаҳобидинов»

Бундай миннатдорчилик мактублари Тошкентдаги топилмалар столига тез-тез келиб туради.

— Топилмалар столи ташки қилинган 1961 йилдан бери қанчадан-қанча кишиларнинг ҳоҳлатини чиқарди, — дейди топилмалар столи бошлиғи П. Н. Казанов. — Бу олийжаноб ишда жамоатчилик, виждоний пок, ҳалол кишилар биз-

САФАРДА киши ўзини уйи-дагидек ҳис этиши қийин. Лекин Болгария сафари бундан истисно. Хусусан, Хасково округига — Борши. Орада беш миң километрдан ортиқроқ масофа бўлишига қарамай, тошкентликлар бу ерда сира ётирмайдилар. Негаки округнинг ҳамма жойида Тошкент нафасини сезиш мумкин. Хасковонинг илҳами ҳам бизникига ўшаб кетади. Қишда каттиқ совуқлар бўлмайди, қор ерда кўп ётмайди.

Мама, «Тошкент» кўчасидан бормоқдамиз. Бу Хасковонинг марказий магистралларидан бири. У сервизов. Йирик йўлда ва ташкилот бинолари, маданий-маърифий хизмат муассасалари шу кўчанинг бошланғичи. Шулардан бири округ партия комитетининг органи «Хасковска трибуна» газете редакцияси, нашриёт ва босмахонаси.

Бишонинг учинчи қаватига кўтарилдик. Газета редакциясидаги ҳаммасларимиз бизни самимий кутиб олишди. Коллектив билан учрашиб, икки-уч режаслар ҳақида бафуржа сўбатлашдик.

Газета бош редактори Димитр Нановски, редактор ўринбосари Тодор Коларов илгари Тошкентда бўлишган. Илгари таниш-билиш, дўстлар ортиришган. Улар ҳақида бирма-бир сўрашдик. Биз Тошкент киёфеси тудан ўзгариб кетганлиги, кейинги йилларда бўлаётган янгиликлар ҳақида гапирдик.

— Ҳаммадендан хабардор бўлиб турибмиз, — илова қилади Нановски «Ташкентнинг правда» газетасининг подзаказисини олдимизга кўраймиз.

Редакциялар ўртасида инқидий ҳамкорликни кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталдик.

«Тошкент» кўчасидан сал юриб, ўнгига бурилганимизда катта майдонга чиқасиз. «Айда» меҳмонхонаси, ресторанининг ҳаммавати биноси, маъмурий идоралар, озик-овқат магазини, катта-кичик дўкончалар. Рўпарадаги хушбичим иморат тепасидаги азуви эътибор билан ўқиймиз: «Тошкент уни-версал магазини». Яна узоқ Хасковода эмас, Тошкентнинг Навойи номили театр майдонига юргандек сезасан ўзингни.

«Тошкент» универмагаи шаҳарнинг энг йирик савдо маркази. Республикаси пойтахтининг номи унга ўтган йил ёзда берилган экан. Бу ерга областимиз делегацияси келганда катта митинг ўтказилиб, Тошкент—Хасково бўлишмаси дўстлиги шарафига универмагини шу ном билан аташга қарор қилинган.

Магазинга кирган киши хасковоникларнинг маданий эҳтиёжи ортиб бораётганини:

[Бошм газетанинг 15 январь сониди].

нинг гувоҳи бўлади. Магазиннинг учлава қавати эртдан-кечгача харидорлар билан гавжум. Бу ерга келувчилар айниса Хасковонинг «Мир» заводидан тикланган тайёр ки-йимларини севиб харид қилишад.

Биз ана шу корхонада ҳам бўлдик. «Мир» чеварлари чи-ройили газмолдан хушбичим кўйлақлар, пальтоллар тикнаш экан. Бу корхона Тошкентдаги «Кизил тонг» фирмаси коллек-тиви билан мусобақадор. Мусобақа қатнашчилари юксак самарадорлик ва сифат учун кураш қандай бораётганини ҳақида бир-бирларини хабар-дор қилиб турадилар. «Мир» тикувчилари 1976 йил пиланини ошириб бажариб, йиллик пиланига қўшимча 450 миң левлик махсулот тайёрладилар.

Эрақлар кўйига тайёрланадиган ҳеҳида совет-болгар дўстлигига бағишланган митинг бўлди. Завод директори Димитр Москов корхона маъмурияти, цех чеварлари номи-дан делегациямиз аъзоларини табриқлаб, Улуг Октябрь со-циализми революциясининг 60 йиллиги, завод ташкил этилганлигини ёғирди. Йил-лигини муносиб кутиб олиш учун бу ерда бошланган ташаббус ҳақида сўзлади. Кор-хона моделерлари, конструкторлари ва технологлари харидорбоп янги моделларни ишлаб чиқаришга киришган-ликларини айтди. Жавоб нути-ки сўзлаган ўртоқ И. И. Федорини қизил тонгчиларнинг алағали селомини топшириб, болгар ишчиларига янги му-вафқиятлар тилади.

Ишлаб чиқариш коллектив-лари билан бирга маданият, санъат муассасалари ўртасидаги алоқалар ҳам ривожланиб бораётганини хасковониклар мамнун бўлиб гапирди-лар. Биз Иван Димов номили драма театрига кирганимизда директор хонасида СССР халқ артисти Олим Хўжаевнинг фотосуратини кўрдик. Бу талантли санъаткорнинг номили те-атрининг бутун коллективи кат-та ҳурмат билан тилга олади.

Коллектив 1972 йилни сира унутмайди. Ушанда совет рес-жиссери Олим Хўжаев ва рас-сом Георгий Брим бу ерга келиб, Ҳамза Ҳакимзода Ней-зининг «Бой ила хизматчи» пьесасини сажлаштиришган эди. Театрнинг қамолот тарақ-қийида бу воқеа сезилари из қолдирганини мухта-сислар қайта-қайта таъкидла-шад. «Бай и ратай» деган сўзлар ҳар бир хасковоник учун машҳур бўлиб кетган. У-тмишда оғир кунларни боши-дан кечирган, феодал зулми остида эзилган ўзбек ва тра-кия аёлларининг қисмати ў-шаш бўлганлиги учунми, спек-такль усталки билан сахна-лаштирилганлиги ва артист-ларнинг ролларни юксак ма-ҳорат билан ижро этганликла-

ри учунми, хар-қалай бу ўйма-асар Хасково саҳнасида энг кўп марта қўйилган спектакль ҳисобланади. Александр Кор-нейчук, Всеволод Вишневский, Алексей Арбузов, Виктор Ро-зов, Александр Шейн сингари машҳур драматургларнинг юкс-сақ бадиий асарлари ўйналган театр репертуридан «Бой ила хизматчи» муносиб ўрин ол-ганлиги биз учун шарафлидир. Директор хонасида спек-таклдан олдинги жуда кўп фотолаҳзалар осилдик. Ар-тистлар ўзбекларнинг киёфа-сини, кийимларини айнан тас-вирлай билганинигидан деф-татан бу спектаклни ўзбеки-стонда еки Болгарияда қўйил-ганлигини ақрабти бўлмадик. Кечқурун театр коллектив-ини бизни ўзининг янги спектак-ли—грзуни автори Ноад Дум-баденинг «Мен, Бувам, Ил-ко ва Илларион» деган кўноқ комедиясини кўришга таклиф эди.

дурдоналари билан танишиш-лари мумкин.

— Истасангиз ўзбек музи-касини тинглашингиз мумкин, — таклиф этади хона соҳиб.


— Қарши эмасмиз.

С. Тенева бизни шимам хо-нага бошлаб кирди. Бу музи-ка класси. Парталарга науш-никлар ўрнатилган. Олдинда-ги столада пластинкалар кўзи-дан мосламалар. Мезбон кат-тинкам топиб чиқиб кўйиб берди. Кулоғимиз остида та-ниш ўзбек музикаси янгради: бу СССР халқ артисти Сао-дат Қобулова ижросидаги «Дугоналар» кўшиги эди. Бу ерда бийўла олтига пластин-кани кўйиб эшитиш мумкин.

Кутубхонанинг музика ва санъат бўлими аёллари эсте-тик тарбиялашда катта хизмат қилмоқда.

Сафаримиз вақтида хасково-ликлар классик ва эркин ку-раш бўйича халқаро турнирга

Суратда: сўхбат шайти.



Суратда: сўхбат шайти.

катта тайёргарлик кўришад-ганди. Бу турнирда қатнашиш учун Руминиядан, Совет Итти-фоқидан спортчилар таклиф этилганди. Машҳур полонилари билан шўхрат қозонган дий-брга — дўстлар кузурига тош-кентлик эш спортчилар бажо-нудий таширф биюришди. Хасковонинг «Дўстлик» спорт залига ўтказилган турнир кат-та қизиқши уйғотди. Уч кун давомида бу ерда 200 га яқин эш полон бешлашди. Тош-кентликлар ҳам бўш келмади-лар. Эркин услубда С. Тўхта-назаров, классик услубда Ю. Велник, К. Черноубов, В. Гри-шин турнир қолби бўлиб, олтин медаллар олдилар. В. Ким, А. Петросов, А. Махму-дов, А. Яковенколар ҳам юк-сақ маҳоратларини намойиш этиб, биринчи-иккинчи муко-

фоти ўринларини эгалладилар. — Биз учун муҳими бу му-кофотлар эмас, балки дўст-ларимиз билан бўлган учра-шувлар, улардан маҳорат сир-ларини ўрганганимиз бўлди. — дейди тошкентликлар тренера Мирсултон Солихов.

Димитровград дўстлигининг чинакам симболи дейишди. Бу шаҳар меҳнат коллектив-лари совет қардошлари билан алоқаларини шу қадар кенг ва ахши кўлга кўйганликлари учун Димитровград совет-бол-гар дўстияги шаҳри номини олган.

Бу навқирон шаҳар округ-ининг йирик саноат маркази. Унинг химия комбинати, це-мент заводи каби йирик кор-хоналари, меҳнаткашлари Тош-кент области корхоналари билан мусобақадор. Шаҳар пар-тия комитети биносига кир-а-вершида ўзбекистонини эсла-диган белгиларга дуч келиш мумкин. Фойеда ўзбек дўп-писи, китоблар, ўзбекистондан борган гурулларнинг бошқа турли эсдалик совғалари кўри-нарди ерга тартиб билан қў-йилган.

Димитровград шўхратини саноатчилари билан бирга агр-р-саноат комплекси ҳам ошармоқда. Георгий Димитров номи билан аталуви АПК мамлакатининг илгор аграр-саноат комплексиридир. У кишлоқ ҳўжалигини саноат негизида қайта қуришининг аюйиб на-мунасини кўрсатмоқда. Бу комплекс ташкил этилган, деҳ-қончилик ва чорвачилигини ме-ханизациялаш, ҳосилини қайта ишлаш, уни истеъмолчиларга вақтида жўнатиш проблемалари мувафқиятли ҳал этила бошланди. Ҳозир бу АПК мах-сулотлари дунёнинг жуда кўп мамлакатларига экспорт қи-линмоқда. Аграр-саноат ком-плексининг маъмурияти ша-ҳар марказидаги ўн ўрт қават-ли катта биного жойлаш-ган. Комплекс раҳбарлари биз билан сўхбатда деклонларнинг сабзавот, чорвачилик, тамаки-чилик соҳасида кўлга кирит-а-ётган мувафқиятлари ҳақи-да гапириб беришди.

Бу ерда пахта ҳам етатиш-рилади. Пахтазорларда «Таш-селиш» заводидан чиқарил-ган «азангори кема»лардан фойдаланилади. Болгар дўст-ларимиз пахта етиштириш сир-ларини Тошкентга келиб, Оқ-қўрғон райони пахтакорлари хузурида бўлиб ўрганиб ке-тишган.

Утган йил кузи жуда ноку-лай келди. Пахта очилиш ара-фасида ёғингарчилик кўп бў-либ, ҳосилининг маълум қисми етилийди қолди. Шунга қара-май механизаторлар юксак унум билан ишладилар. Пеш-кадам дала гардишчилари 60 тоннагача етказиб пахта тер-иб берди. Димитровградликлар пахта теридиган машина-ларнинг тақомиллашган, янги маркарларини кўтаётганликлари ҳақида бизга айтиб беришди.

Хасково билан Тошкент ўр-тасидаги алоқалар ҳамма со-ҳалар бўйича ривожланиб бор-моқда. Уларнинг қувончи на-тижалари ҳақида газета саҳи-фаларида муфассал тўхталиб ўтиш қийин. Бу алоқалар шу қадар серқирра ва самарали бўлмоқдаки, у катта тадқиқот-лар, китоблар учун мавзу бў-ла олади.

Дарвоқе, Тошкент-Хасково дўстияги ҳақида махсус китоб яратилишга қарор қилинди. Бу китобнинг муназариси ва маъ-муни ҳам келишиб олинди.

С. МУСАЕВ.

САНЪАТ БАЙРАМИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИ. Оқувиб-оқиб номили колхоз клубида ўқувчи ҳаваскорларнинг санъат байрами бўлиб ўтди. 25 та мактаб ҳаваскорлари қатнашган бу кўриқда 11-мактабнинг дўторчилар ансамбли ижро этган «Партия шарафлар бўлисин», 23-мактаб ўқувчиси С. Усмонов.

ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР МУШОИРАСИ

ЯНГИЎЛ. Район газетаси хузурида ташкил этилган «Ёш қаламкашлар тўғрисида» ишлаб чиқариш маълумоти КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг

«Ёш бадиий эвёнлар билан ишлашни янада яхши-лаш тадбирлари тўғрисида»-ги қарорини ўрганишга ба-ғишланди. Сўнгра тўғрарак аъзоларининг мушоираси бўлди. Ёш қаламкашлар-нинг янги шеър ва ҳикоя-лари муҳокама қилинди.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

маи. Биринчи таксопаркика қарашли 86—71 ТНЗ но-мерли машина эди.

Топилмалар столи ходим-лари Киров район Отчопар кўчасининг 38-уйида тура-диган Роҳатой Йўлдошева берган маълумотларга кўра такси парнига кўнғирок қи-лишди. Маълум бўлишича шофер Михаил Хаимов портфельни ички ишлар бош-қармасига топшириб кетган экан. Аёл буюм ўз эгасига қайтариладиган бўлганли-дан қувониб, хотиржам чи-қиб кетди. Орадан икки кун ўт-ган, портфель ва унинг ичидан 770 сўм пул унинг эгаси Жўра Зайниддиновга топшириди.

О. НИЕЗОВ.

РЕКОРДГА ИНТИЛИБ

Минскеда енгил атлетика бўйича Куроли Кучлар биринчилиги қатнаш-чиди протриганимиз дастлабки тур-ларидеб бир катор йирик натижаларга эришилди. Минскилик Александр Гри-горьев бундан ўн беш кун мунадад ўзи ўрнатган рекордини яна бир сан-тиметр янгилаб, 2 метр 27 сантиметр баладидиқанда планкандан сакраб ўтди. Агар у бу марран биринчи уришида-еқ эгаллаган бўлса, Москва области ва-кили Станислав Молотиллов учинчи ури-нишда баладидиқни сабт этди.

Бу кўрсаткич машҳур енгил атлетика-чи Валерий Брумел 1963 йили ўрнат-ган Бутуниттифоқ рекордидан атиги бир сантиметр камдир ҳолос.

ФИНАЛДА «ТОРПЕДО» ВА «ДИНАМО»

Кеча Москвада «Неделя» ҳафталиги соврини учун миңи-футбол бўйича ўтказилган мусобақаларга яқун ясалди. Биринчи гурупада беш очко тўплаган «Динамо» футболчилари финалга чиқинди. Иккинчи гурупада эса «Торпедо» ва «Локомотив» командалари тўрттадан очко тўпладилар. Тўплар нисбатига кўра «Торпедо» финалга чиқди.

Кеча «Неделя» соврини эгаси маълум бўлди. Учтинчи-туртинчи ўрни эгалари эса Москванинг «Локомотив» ва Венгрия футболчилари учрашувида аниқ-ланди.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Кеча Москва ва Одессада волейбол бўйича олий лига командаларининг биринчи тур ўйинлари ниҳоясига етди. Масууми икки галаба билан бошлаган Тошкентнинг «Автомобилист» волейбол-чилари учинчи ва туртинчи турда пой-тахтининг Марказий армия спорт клуби ва «Динамо» командаларига бир хил 1:3 ҳисобида ютқазди. Кеча волейболчи-ларимиз охири учрашувини Киевнинг «Буревестник» командаласи билан ўтказишди.

СТУДЕНТ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Буревестник» кўнғилиш студентлар спорт жамайти Тошкент область спарта-хонаси програмласи асосида кураш бўй-ича ўтказилган мусобақада 13 олий

Ўқув юртининг 130 дан ортиқ полвонлари қатнашди.

Ўзбекистон давлат физ-культура институти спортчилари Х. Ғар-ташев, А. Ахроров, С. Оқонов, Т. Бўри-ев ва бошқалар ўз ваъзларида гўлиб ке-либ, умумкоманда галабасига салмоқли ҳисса қўндилар. Тошкент Давлат уни-верситети вакиллари иккинчи, тўртинчи-чилик ва енгил саноати институти спорт-чилари унчинчи бўлишди.



МОСКВА. СССР Алоқа министрлиги «Москва — XXII Олимпиада» ўйинлари ташкилотчи бўлиб номланган лига мар-каларини савдога чиқарди. Суратда: ана шундай маркалардан бири — «Оли-мпиада-80 эмблемаси» тасвири.

ТАСС фотохроникаси.

РЕКЛАМА

ЭЪЛОМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ХўНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ

68-ҚИШЛОҚ ХўНАР-


ТЕХНИКА БИЛИМ

ЮРТИ

1977 ўқув йили учун


Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ УЧУН ҚўВУВДАГИ МУ-ТАХАССИСЛИКЛАР БўЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ — КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: сабзавотчилик усталари, бодборчилик усталари. (Ўқиш муддати — 1 йил); 3 класс транторчи-машинаш-тарин (Ўқиш муддати — 6 ой).



БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНОФИ БИТИРГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШЕУЛОТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИ-ЛАДИ.



Бу ерда пахта ҳам етатиш-рилади. Пахта очилиш ара-фасида ёғингарчилик кўп бў-либ, ҳосилининг маълум қисми етилийди қолди. Шунга қара-май механизаторлар юксак унум билан ишладилар. Пеш-кадам дала гардишчилари 60 тоннагача етказиб пахта тер-иб берди. Димитровградликлар пахта теридиган машина-ларнинг тақомиллашган, янги маркарларини кўтаётганликлари ҳақида бизга айтиб беришди.

Хасково билан Тошкент ўр-тасидаги алоқалар ҳамма со-ҳалар бўйича ривожланиб бор-моқда. Уларнинг қувончи на-тижалари ҳақида газета саҳи-фаларида муфассал тўхталиб ўтиш қийин. Бу алоқалар шу қадар серқирра ва самарали бўлмоқдаки, у катта тадқиқот-лар, китоблар учун мавзу бў-ла олади.

Дарвоқе, Тошкент-Хасково дўстияги ҳақида махсус китоб яратилишга қарор қилинди. Бу китобнинг муназариси ва маъ-муни ҳам келишиб олинди.

С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА

ЭЪЛОМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ХўНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ

68-ҚИШЛОҚ ХўНАР-

ТЕХНИКА БИЛИМ

ЮРТИ

1977 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

БИЛИМ ЮРТИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ УЧУН ҚўВУВДАГИ МУ-ТАХАССИСЛИКЛАР БўЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИ — КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: сабзавотчилик усталари, бодборчилик усталари. (Ўқиш муддати — 1 йил); 3 класс транторчи-машинаш-тарин (Ўқиш муддати — 6 ой).



БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНОФИ БИТИРГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШЕУЛОТЛАР ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИ-ЛАДИ.



Бу ерда пахта ҳам етатиш-рилади. Пахта очилиш ара-фасида ёғингарчилик кўп бў-либ, ҳосилининг маълум қисми етилийди қолди. Шунга қара-май механизаторлар юксак унум билан ишладилар. Пеш-кадам дала гардишчилари 60 тоннагача етказиб пахта тер-иб берди. Димитровградликлар пахта теридиган машина-ларнинг тақомиллашган, янги маркарларини кўтаётганликлари ҳақида бизга айтиб беришди.

Хасково билан Тошкент ўр-тасидаги алоқалар ҳамма со-ҳалар бўйича ривожланиб бор-моқда. Уларнинг қувончи на-тижалари ҳақида газета саҳи-фаларида муфассал тўхталиб ўтиш қийин. Бу алоқалар шу қадар серқирра ва самарали бўлмоқдаки, у катта тадқиқот-лар, китоблар учун мавзу бў-ла олади.

Дарвоқе, Тошкент-Хасково дўстияги ҳақида махсус китоб яратилишга қарор қилинди. Бу китобнинг муназариси ва маъ-муни ҳам келишиб олинди.

С. МУСАЕВ.

МЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабин гимнастика. 10.30 — Буратино кўргазмаси. 11.00 — Хирург Мишиннинг кунлари (бадиий фильм, 2-серия). 12.05 — Бизнинг биографияи. 1928 йил. 15.00 — Хўжалик фильми. 15.30 — Ўқувчилар ишлаб чи-қариш бригадаси. — Ленин комсомолни мушоротиининг лау-реати. 16.00 — Э. Хемингуэй эпоси. 17.00 — Шахмат мак-таби. 17.30 — Рус тили. 18.15 — «Орлёнок». 19.00 — Янги-ликлар. 19.15 — Расмларда нуш ақис бор. 19.30 — Фильм-концерт. 19.45 — Миллионлар ленинча университети. 20.15 — «Камалар». 20.50 — Хирург